2017 ЙИЛ 12 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (13.432)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПЕКИНГА КЕЛДИ

*ПЕКИН, 11 май.*
*ЎзА махсус мухбири А.ЎРОЗОВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан 11 май куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган "Шоуду" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 12-13 май кунларига белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцзян ва бошқа раҳбарлар билан учрашади. Музокараларда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама этилади. Томонлар минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Президентимизнинг ташрифи давомида Хитойнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари билан ҳам учрашувлар режалаштирилган.

Олий даражадаги музокаралар якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга доир ҳукуматлараро, идоралараро битимлар ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган. Ташриф доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида катта ҳажмдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий шартнома ва битимлар имзоланиши режалаштирилган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида ўтадиган "Бир белбоғ, бир йўл" халқаро форумида ҳам иштирок этади.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ШВЕЙЦАРИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Швейцария Конфедерацияси Президенти Дорис Лойтхард мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирини қутладилар.**

Ўзбекистон Президенти ўз табригида ўзаро муносабатларни юқори баҳолаб, ўтган даврда мамлакатларимиз ўртасида "Анъанавий мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашувга асосланган тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатилган. Муносабатларнинг барча масалалари бўйича очиқ ва амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ўзаро алоқаларнинг деярли барча йўналишлари қамраб олинган салмоқли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилган", деб таъкидлаган.

Бугунги кунда "Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий-технологик соҳалардаги шериклик алоқаларини изчил ривожлантириш учун катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд"лиги қайд этилган. Ўзбекистон "озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир қўшма лойиҳа ва дастурларда Швейцария компанияларининг кенг иштирок этиши"га ишонади.

Швейцария Президенти қутловида бундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасининг Швейцария билан кўп йиллик дўстлик алоқалари учун чуқур миннатдорлик билдираман".

"Швейцария билан Ўзбекистон ўртасидаги яқин муносабатлар ва турли соҳалардаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг дўстлигини ифода этади. Швейцария Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири бўлиб, икки томонлама иқтисодий комиссияларнинг мунтазам учрашувлари давлатларимиз ўртасида савдо соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан далолат беради", деб таъкидланган.

"Швейцариянинг яқинда тикланган, Марказий Осиё мамлакатлари билан 2017-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегиясида Швейцария Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорлик қилиш тарафдори экани акс эттирилган. Иқлим ўзгариши, минтақавий сув таъминоти ва санитария масалаларига эътибор қаратиш мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишига ишонаман", дейилган қутловда.

Президент Дорис Лойтхард Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлаган.

**ЎзА**

## ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**Тошкент шаҳрида 11 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг XII мажлиси ўз ишини бошлади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон ва Беларуснинг етакчи тадқиқот марказлари экспертлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўтган йиллардаги фаолияти давомида нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Бугунги давлатлараро муносабатлар тизимида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, ўзаро манфаатли соҳаларда турли лойиҳаларни амалга оширишда самарали механизмга айланди. Ташкилот жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга жиддий хавф солаётган терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш масалаларига қаратмоқда.

2001 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий қарорни қабул қилди. Айни пайтда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Мўғулистон ва Беларусь ШҲТ фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок этмоқда. Туркия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непал ШҲТда мулоқот бўйича шерик мақомига эга. Бундан ташқари, БМТ ва унинг тузилмалари, АСЕАН, МДҲ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари ўрнатилган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форуми аъзо давлатларнинг илмий-тадқиқот ва сиёсий марказлари фаолиятига кўмаклашиш ва илмий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, ШҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида унинг фаолиятига доир айрим масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, таҳлилий ва прогноз материаллар, тавсиялар тайёрлаш учун кўп томонлама мустақил ижтимоий маслаҳат-эксперт механизми ҳисобланади.

Форум мажлисининг дастлабки кунида ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан 2016 йил июнь ойида Тошкентда ўтган Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси якунлари муҳокама этилди. Ўзбекистоннинг 2015-2016 йилларда ташкилотга раислиги даврида ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқаро нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилгани таъкидланди. Ўтган йилги саммитда имзоланган ҳужжатлар ташкилотнинг устувор йўналишлардаги фаолиятини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга доир амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро пресс-клубда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегацияси ташрифи якунлари бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн мамлакатимиз парламенти ва ҳукумати аъзолари, вазирлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институти вакиллари билан учрашувларда томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар муҳокама қилинганини қайд этди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув жуда самарали бўлгани, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинганини алоҳида таъкидлади.

Бишкек шаҳрида жойлашган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий маркази Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилади.

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – деди ЎзА мухбирига Зайд Раад ал-Ҳусайн. – Кейинги ойларда кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Олий комиссар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жуда жиддий ва ёрқин дастур эканини алоҳида таъкидлади. Унда БМТ ғоялари, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўз ифодасини топганини қайд этди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва тизимли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

Зайд Раад ал-Ҳусайн журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Анвар САМАДОВ**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Пойтахтимизда X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бошланди.***



## ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШИ ВА ФАРОВОНЛИК

Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ярмарка корхоналар, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу иқтисодиётимизнинг барча соҳалари жадал ривожланиши, истиқболдаги дастурларни ишлаб чиқишда муҳим илмий ва амалий асос вазифасини бажармоқда.

Ҳозирга қадар ўтказилган ярмаркалар доирасида 4 минг 200 га яқин инновацион ғоя ва технология намойиш этилиб, умумий ҳажми 144 миллиард 100 миллион сўм бўлган 4 мингдан ортиқ шартнома имзоланган. Натижада қарийб 2 триллион 200 миллиард сўмга яқин 62 номдаги янги серияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, 59 шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари юзага келди. Шу билан бирга, юзлаб корхона, фермер хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларига илмий ва амалий хизматлар кўрсатилмоқда.

Бу йилги ярмаркада анъанавий беш йўналиш – саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ва фан-таълим соҳалари учун 500 дан ортиқ инновацион ғоя, технология ва лойиҳа намойиш этилаётир.

Фарғона политехника институти илмий жамоаси таклиф этаётган лойиҳаларда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишга кенг ўрин ажратилган. Олий ўқув юрти мутахассислари Наманган вилояти ҳудудидаги тоғ жинсларига ишлов бериб, техник кремний маҳсулоти олди. Ярим тайёр бу маҳсулотга ишлов беришни давом эттириб, қуёш батареялари яратишда фойдаланиш мумкин. Светофорларни энергия билан таъминлаш ва бошқариш қурилмаси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бу ишланма икки ойдан буён Фарғона шаҳрида синовдан ўтказилмоқда. Натижада электр энергияси анча тежалгани кузатилди. Истиқболда шаҳарда бу ихтиродан кенгроқ фойдаланиш таклиф этилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

**Сўз – мажлис иштирокчиларига**

## ЎЗБЕКИСТОН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

***Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг XII мажлиси бошланди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларуснинг етакчи тадқиқот марказлари экспертлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.***

ЎзА мухбири анжуманнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

**Ван КАЙВЭНЬ, ШҲТ Бош котибининг ўринбосари:**

– Ўзбекистон Республикаси ШҲТга асос солган давлатлардан бири бўлиб, ташкилотнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги анъанавий тарзда ташкилот нуфузини ошириб, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, мамлакатларимиз тараққиёти ва халқларимиз фаровонлиги йўлидаги амалий ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

ШҲТнинг 2016 йил июнь ойида Тошкентда ўтган саммити ва унда ШҲТ давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлар ташкилотнинг янада ривожланишига янги суръат бағишлади. ШҲТ – бу изчил ривожланиб бораётган ва айни пайтда анъаналар ва мулоқот маданиятига қатъий амал қиладиган ташкилотдир. Тошкент саммитида ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар, ҳамкор халқаро тузилмалар вакиллари бир жойда тўпланди. ШҲТнинг Тошкент саммитида ягона мақсад – ҳамкорликда ривожланиш, минтақада тинчлик, яқин қўшничилик, дўстона ва шериклик муносабатларини, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш учун бирлашган, дунёқараши турлича бўлган миллатлар вакиллари жам бўлди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда "Ҳамшира – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 11 ҳамшира билим ва маҳоратини намойиш этди. Иштирокчилар соҳага оид саволларга жавоб қайтариб, ўз фаолияти ҳақида маълумот берди. Шунингдек, уларнинг аҳоли билан ишлаш ва бадиий маҳоратига баҳо берилди.**

**• Бухорода "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" шиори остида ёш тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**• Фарғона политехника институти олимлари томонидан яратилган светофор тизимини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб турувчи электрон қурилма амалиётга жорий этилди.**

**• Наманганда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа ўзаро баҳслашди. Иштирокчилар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ва ўзлари тайёрлаган ижтимоий лойиҳалар орқали ўз имкониятларини синовдан ўтказди.**

### ЖАҲОНДА

**• Буюк британиялик бир гуруҳ олимларнинг тадқиқотлари натижасида денгиз сув ўтларининг Қуёш нуридан сақловчи кремлар ўрнини босиши мумкинлиги аниқланди. Маълумки, бундай кремларнинг инсон танасига зарари ҳам бўлиб, сув ўтлари экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Энг муҳими, сув ўтларини исталган жойда етиштириш мумкин экан.**

**• Швейцарияда қуёш батареяларидан қувват оладиган SOLAR STRATOS русумли самолётнинг синов парвозлари бошланди.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz
№ 99 (12.05.17)

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида муҳим ҳужжат – ШҲТнинг 15 йиллик фаолияти якунлари ва истиқболда уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари акс эттирилган Тошкент декларацияси қабул қилинганини таъкидлаш жоиз. Ташкилотни кенгайтиришга қарор қилингани эса саммитнинг яна бир муҳим масаласи бўлди. Давлат раҳбарларининг учрашуви якуни бўйича Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар ҳам имзоланган эди.

Форум мажлисининг биринчи кунида, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида барқарорлик ва хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликда курашиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда улар ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, инвестиция, туризм ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон вакиллари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тақдим этди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги позицияси, шунингдек, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур стратегиянинг мақсадлари ШҲТ фаолиятининг хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш бўйича асосий йўналишларига мос келиши қайд этилди.

Ҳаракатлар стратегиясида транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бундан ШҲТга аъзо давлатлар ҳам манфаатдордир. Бу борадаги қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши Осиё билан Европани боғлайдиган халқаро транспорт коридорларининг кўп вариантли тизимини шакллантириш имконини беради.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг асосий қоидаларига бағишланган тақдимот ҳам ўтказилди. Дастур доирасида аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлик масаласини ҳал этиш, соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш ва маҳалла ролини янада оширишга қаратилган кенг кўламли вазифалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари тақдим этилган ахборотни ижобий баҳолади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак"лиги тўғрисидаги қатъий позицияси белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил эканини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантириш, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестиция ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳамда ШҲТни кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Тошкент саммити фақат "ШҲТ оиласи" давлатлари учун аҳамиятли бўлиб қолмай, саммитда қабул қилинган қарорлар Евроосиё макони ва умуман, глобал миқёсда вазиятни барқарорлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди. ШҲТ давлат раҳбарлари янги таҳдид ва хавф-хатарларга жаҳон ҳамжамияти фақат биргаликда қарши курашиши мумкинлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги даврида Тошкентда ўтказилган юбилей саммит юксак эътирофга сазовор бўлди. Ташкилот саммитга тайёргарлик доирасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва мамлакат ҳукуматининг алоҳида эътиборини доимо ҳис этиб турди. Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида турли даража ва йўналишда 380 дан ортиқ тадбир ташкил этилгани ва буларнинг самараси сифатида Тошкент саммити ўтказилганини таъкидлаш ўринлидир. Бу ҳақиқатан ҳам ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида ишчанлик ва фаолликнинг энг юксак даври бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона раҳбарлигида ўз тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни 2017-2021 йилларда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўзда тутилган. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатингизнинг ШҲТ доирасидаги фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

**Тамара ГУЗЕНКОВА, Россия стратегик тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари:**

– Бу галги Форум мажлиси катта воқеа бўлди. Бугунги геосиёсий воқелик ва дунёда рўй бераётган иқтисодий жараёнлар ШҲТ олдига янги вазифалар қўймоқда. Жумладан, Тошкент форумида экспертлар ҳамкорликнинг иқтисодий йўналишини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Негаки, ташкилотнинг барча аъзолари айнан иқтисодий ривожланишдан манфаатдордир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ташкилот доирасида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм ва радикализмга қарши курашиш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Ташкилот хавфсизлик борасида турли муаммоларга дуч келаётган янги аъзолар ҳисобидан кенгаймоқда. Бу соҳада қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда.

**Азамат ДИКАМБАЕВ, Қирғизистон Республикаси Миллий стратегик тадқиқотлар институти директори:**

– Форум мажлиси ШҲТга аъзо давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарларга биргаликда курашиш механизмларини такомиллаштириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, туризм ва илмий-техник соҳаларда ташкилот доирасида ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон азалдан тинч-тотув яшаган яқин қўшнилардир. Халқларимиз тарихи муштарак, маданий ва диний қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Шунинг учун узоқ муддатли истиқболда муносабатларимизни ўзаро ишонч, шериклик ва манфаатларни ҳурмат қилиш асосида шакллантирмоқдамиз.

Иқтисодий ва маданий алоқалар давлатлараро ҳамкорликнинг асоси ҳисобланади. Бизни транспорт ва коммуникация лойиҳалари бирлаштиради. Яқин вақт ичида савдо-иқтисодий муносабатлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бундан ташқари, минтақада самарали транспорт коридорини ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналишидир. Марказий Осиё учун катта бозорлар, денгиз бандаргоҳлари ва трансмиллий магистралларга чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон учун транзит йўлаклар хилма-хиллиги, товар ва хизматларни ҳеч қандай тўсиқларсиз етказиш имконини берадиган "яшил йўлак"лар ташкил қилиш ғоят муҳимдир.

**Александр ЛУКИН, Шарқий Осиё ва ШҲТ тадқиқотлар маркази директори (Россия):**

– Ўзбекистон иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этаётгани жуда муҳим. Форум мажлисида тақдим этилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақидаги маълумотларни катта қизиқиш билан ўргандим. Стратегиянинг асосий мақсадлари ШҲТ билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хорижий инвесторларнинг мамлакатингизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Буни кўплаб чет эл компаниялари инвестиция лойиҳаларида фаол иштирок этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Сайёҳликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Россия билан Ўзбекистонни стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари боғлаб туради. Кўплаб йўналишлар, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик кенгаймоқда. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларга Россияда талаб юқори.

Ташриф давомида Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлдим. Ҳамма жойда тартиб ва саришталик. Одамлар ҳаётдан мамнун, эртанги кунга ишончи баланд. Айниқса, Ўзбекистон халқининг бой ўтмишидан далолат берувчи тарихий обидалар менда унутилмас таассурот қолдирди.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

# АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

***Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионатида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан "Хотира абадий, инсон қадри муқаддас" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.***

Тадбир доирасида эл севган хонандалар, истеъдодли санъаткорлар, болажонлар ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Шу билан бирга мазкур пансионатга уларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида чангютгич маиший жиҳози тантанали ҳадя этилди.

9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини юқори савияда нишонлаш, уларда пойтахт касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини хотирлаш, уларнинг оила аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пойтахтимизда жойлашган корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик" ҳамда "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият" шиорлари остида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилиб, фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон турлари бўйича мусобақалар ҳамда ёшлар ўртасида Хотира турнирлари ташкил этилди.

Шунингдек, "Мард ўғлонлар", "Сени Ватан кутади", "Уч авлод учрашуви", "Ватанни севмоқ иймондандир" туркум учрашувлар, "Маънавият соатлари" касаба уюшмалари тизимидаги барча меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида ўтказилди.

"Маънавият соатлари"да Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўлида босиб ўтган тарихий йўлини, 26 йил давомида юксак марраларга етиб боришимиз замиридаги тинчлик-осойишталик, тотувликнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлашни, мамлакатимизда кексаларни қадрлаш ва эъзозлашга катта эътибор қаратилганлиги кенг тарғиб этилди.

Тадбир сўнгида пансионат директори Фарангиз Акрамова Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгашига, тадбирга ўз совғалари, дил изҳорлари билан йиғилган барча жамоат ташкилотларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

* * *

***Аждодларни хотирлаш, эзгу ишларини ёдга олиш, қолаверса, бу ёруғ дунёда умргузаронлик қилиб, кексалик гаштини сураётган фахрийларимизни ардоқлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.***

Юртимизда тинчлик ҳамда осойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ҳамда муносиб ибрат бўлиб қолади.

Байрам муносабати билан "Тошкент иссиқлик маркази" ДУК томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари шарафига байрам дастурхони ёзилди, Ватан учун кўрсатган жасоратлари алоҳида эътироф этилди.

— Корхонамизда меҳнат қилаётган ўн уч нафар байналмилалчи жангчиларга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида қўшимча моддий ёрдам берилди, — деб сўз бошлади корхона касаба уюшмасининг раиси Фазлитдин Фахритдинов. — Шу билан бирга корхонада спорт байрами ташкил этилиб, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Байрам тадбирини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Ҳамроев бошчилигидаги курсантлар очиб беришди.

"Меридиан" ВЧА ва бошқа санъаткорларнинг кўнгилочар куй ва қўшиқлари даврадагиларга шодлик бахш этди. Тадбир сўнгида корхона раҳбари А.Кирюшенков мамлакатимизда кексаларга, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, моддий-маънавий рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилаётганини айтиб, фахрийларга соғлик ва саломатлик тилади.

Шунингдек, корхона томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва илғор ишчи-ходимлар учун тарихий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

* * *

***Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан отахону онахонларга, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига моддий ҳамда маънавий кўмаклашиш уларнинг кўнгилларини тоғдек кўтармоқда.***

"Камолот" ЁИҲ Сергели туман Кенгаши "UZ-TEX GROUP" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Биз сизлар билан фахрланамиз" шиори остида туманда истиқомат қилувчи бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олишди.

Учрашувда ёшларга ўтмиш хотиралари, ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни насиҳат қилишди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШИ ВА ФАРОВОНЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Фарғона шаҳридаги Марғилонсойда кичик ГЭСнинг уч киловаттли лойиҳаси синовдан ўтказилди, – дейди Фарғона политехника институти ўқитувчиси Умиджон Рустамов. – Уни янада такомиллаштириш мақсадида "Фарғонаазот" акциядорлик жамияти, Марғилон трактор таъмирлаш заводи билан ҳамкорликда иккита эллик киловаттли ГЭС қурилди. Ҳозир азот ишлаб чиқариш билан бирга бу энергиядан шаҳардаги боғлар ҳудудини ёритишда фойдаланилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз академиклари ва етакчи олимлари билан учрашувида қўйилган вазифалар асосида иқтисодиёт соҳаларининг аниқ муаммолари ечимига қаратилган инновацион технологияларга алоҳида урғу берилди. "Жорий қилинган инновацион ишланмалар" йўналиши ташкил этилди. Унда йирик корхоналарда илғор инновацион технологиялар асосида тизимли ишлаб чиқарилаётган олтмишдан зиёд маҳсулот намойиш этилмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети турли соҳалар учун етук кадрлар етказиб беради. Кимё фанлари номзоди Давронбек Бекжонов ёш олимлардан.

– Илмий лойиҳамиз оқова ва чиқинди сувларни ионитлар билан тозалашга қаратилган, – дейди Д.Бекжонов. – Биз таклиф қилаётган ишланма хориждан олиб келинаётган ана шундай маҳсулотлардан анча арзон. Ҳозир у "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида қўлланмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига ҳам киритилди.

Х Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ёш олимлар, тадқиқотчилар, талабаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Улар ўз илмий ва амалий ишланмаларини намойиш этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Ярмаркада ёш олим ва талабалар яратган 100 дан ортиқ ишланма намойиш этилмоқда.



– Муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасидаги изланишларимиз туфайли иссиқлик сақловчи пенобетон яратилди, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг тўртинчи курс талабаси Баҳодир Солиев. – У оддий қурилиш бетонига нисбатан етти баробар енгил бўлиб, уйларнинг ташқи, ажратувчи деворларига, полга қўлласа бўлади. Ичи ғовак бўлгани ҳисобига шовқин, иссиқ ва совуқ ҳавони ўтказмайди. Ҳозир Самарқанд вилоятидаги "Алина Инвест" қўшма корхонасида пенобетонлар кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда.

– Ўндан зиёд инновацион ишланмаларни олиб келдик, – дейди ЎзА мухбирига Гулистон давлат университетининг профессори Ҳабиб Қушиев. – Асосий эътибор ўсимликлар биотехнологияси, уларнинг чидамлилик ҳамда биокимёвий таҳлилий йўналишига қаратилди. Натижалар кўнгилдагидек. Мисол учун, ўтган йилларда шўрга чидамли, доривор ўсимликларни қайта ишлаш борасида 100 гектарда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилинди. Ҳудудий ярмаркада замбуруғга қарши кураш, пахтанинг ўсиш ҳамда ривожланишини таъминлаб, ҳосилдорлигини янада оширишга хизмат қиладиган препаратлар етказиб бериш борасида фермерлар билан 500 миллион сўмликдан ортиқ шартнома имзоладик.

Ярмарка доирасида III Тошкент халқаро инновацион форумини ўтказиш мўлжалланган. Унда Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатлар, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертларининг иштироки кутилмоқда. Форумнинг асосий мақсади дунёда инновация тизимларининг ривожланиш тенденциялари, инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, миллий инновация тизимини шакллантиришда турли омилларнинг ўрнини аниқлаш ҳамда Ўзбекистонни инновацион фаоллиги юқори бўлган ҳудудга айлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Х Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида таклиф этилаётган илмий ишланмалар бугунги давр нуқтаи назаридан долзарблиги ва қамровининг кенглиги, аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрлангани билан ажралиб турибди. Унда фермер хўжаликлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан технология ва ишланмалар муаллифлари ўртасида шартномалар имзоланмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

**Сайёра ШОЕВА**

***Мамлакатимизда сўнгги пайтларда амалга оширилаётган демократик, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар замирида юртимизни ривожланган давлатлар сафига қўшиш, шунингдек, бугунги кунимизнинг ишончи, таянчи бўлмиш ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоя руҳида ва ўзининг қатъий позициясига эга бўлган ҳолда тарбиялашдан иборат.***

# БЎЛАЖАК ТАДБИРКОР – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Бунинг яққол мисоли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида ёшлар ҳуқуқини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлашда "Камолот" ЁИҲнинг ўрни қандай, деган савол туғилиши табиий. Бугунги кунда "Камолот" ЁИҲ бошқа мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда ушбу Фармоннинг маъно-мазмуни, моҳиятини маҳаллаларга чиқиб аҳоли, айниқса, уюшмаган ёшлар орасида кенг тарғибот ишларини олиб бормоқда.

"Оммавий маданият", "Саломатлик кунлари", "Ёшларга оид давлат сиёсати", "Меҳрибонлик уйлари", "Саховат", "Нуронийлар эъзозимизда" каби ва бошқа тадбирларда давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътибори, соғлом фикрли ва юқори савияли биз, ёшларга таълим олишимиз учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни тоблаётгани, жаҳонда мамлакатимизнинг шон-шарафини мустаҳкам ҳимоя қилишимизга рағбатлантираётгани алоҳида таъкидланмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятини камол топтириш учун барча шарт-шароитлар яратишни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида эътироф этилгани биз ёшларнинг халқ манфаати йўлида бел боғлаб, олға қадам ташлашимизга хизмат қилади, албатта.

Аҳоли, айниқса ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, уларга бу борада билим ва кўникмалар бериш, ўзининг шахсий томорқасига эга бўлиши, коллеж битирувчиларига имтиёзли равишда банкдан кредитлар ажратилиши ва ўзининг шахсий тижоратини бошлашига бугунги кунда мамлакатимизда ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас.

Жорий йилнинг январь-март ойларининг ўзида бу йўналишга тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларига жами 40 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Бу эса ёшларимизнинг тадбиркорликка қизиқиши йилдан йилга ортиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдек мақсадлар мужассамлигини унутмаслик лозим.

***Жамшид ГАФУРОВ,***
**"Камолот" ЁИҲ**
**Мирobод туман Кенгаши**
**бош мутахассиси**

***Оила – миллий қадриятимиз, миллий ғуруримиз. Биз оилани муқаддас бир қўрғонга тенглаштирамиз. Ушбу муқаддас қўрғонни асраш, комил инсонларни вояга етказиш шу қўрғон соҳибу соҳибаси бўлмиш эру хотинга боғлиқ. Улар қанчалик кенг феълли, теран фикрли, шу билан бирга ҳуқуқий тафаккурга эга бўлса, оила қўрғонининг деворлари ҳам шунчалик мустаҳкам ва абадий бўлади.***

# НИКОҲ ВА ОИЛА ҲУҚУҚИ

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, комил инсон – ҳар томонлама фаровон, бекаму кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Оила институтининг ҳуқуқий асослари аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қомусимизга мувофиқ оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Асосий Қонунимизда бу борада белгиланган устувор қоидалар қатор қонунлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик ва Меҳнат кодексларида, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги каби қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган, оиланинг муқаддаслиги ва мустаҳкам бўлиши, унга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Юқорида қайд этилган қонунлар ичида Оила кодекси алоҳида аҳамият касб этиб, у бевосита оилавий муносабатларни тартибга солади. 1998 йилда қабул қилинган ушбу Қонун ҳужжати оилага дахлдор бўлган муносабатларни тартибга солишда халқаро тажриба, умумэътироф этилган халқаро тамойиллар билан бирга миллий анъана ва қадриятларга ҳам асосланганлиги аҳамиятлидир. Оила кодексининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар самараси ўлароқ, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида никоҳ-оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда янги сифат даражасига эришилди. Ўзбек халқига хос бўлган миллий қадриятлар ва анъаналар замонавий ҳуқуқшунослик тажрибалари билан уйғунлаштирилган ҳолда янги оила қонунчилиги шакллантирилди ва бугунги кунда никоҳ-оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳамда оила муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизмлари яратилди.

Маълумки, оиланинг ҳуқуқий асосини фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонуний рўйхатдан ўтказилган никоҳ ташкил этади. Шариат қоидаларига асосан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Қонуний никоҳ эр-хотиннинг ўзаро аҳдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ва никоҳланувчилар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради.

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Никоҳ – бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши ва маъқулланишининг тарихий шаклидир. Никоҳ туфайли ота-она ўзидан сўнг зурриёт қолдириб, инсон насли давом этишига сабаб бўлади.

Никоҳ мулкий шартнома характеридаги келишиш бўлмай, эркак билан аёл ўртасида тузиладиган, бир умрга мўлжалланган шахсий иттифоқ, аҳдномадир. Никоҳ орқали шаърий йўл билан жуфт бўлиб яшашнинг бир қанча фойдаси бор. Авваламбор, никоҳ ахлоқий ва жисмоний покликни талаб қилади. Қолаверса, никоҳ аҳди инсонларга масъулият юклайди. Чунки оилада эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифалари бор, улардан ҳар бири ўз вазифасини тўла адо этишга масъулдир.

Никоҳ давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг, болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида қайд этилади.

Никоҳ вужудга келганлигини исботлайдиган никоҳни қайд этиш далолатномаси эр ва хотиннинг ҳамда никоҳдан туғилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлашни таъминлайди. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома бола туғилишини қайд этишда, эр ёки хотинни яшаш жойига доимий рўйхатга олишда, алимент ундирилишида, мерос ва пенсияга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришда тақдим этилади.

Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг тенг мажбуриятга эгалиги тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

Жамиятнинг муқаддас маскани ҳисобланган оилада миллатнинг унутилмас қадриятлари шаклланади. Оилада доимо аҳиллик, тотувлик бўлиши лозим. Агар бу нарса бўлмаса оилага путур етиб, унинг мажбуриятлари бузилади. Оила расмий тус олган тақдирдагина, эр хотин олдида, хотин эри олдида, уларнинг икковлари фарзандлари олдида, фарзандлари ота-оналар олдида масъулиятли ва бурчли бўладилар.

Оиланинг асосий вазифаси соғлом авлодни камол топтиришдан иборатдир. Оила мустаҳкам пойдеворга қурилиб, унда шарқона ва жаҳон андозасига монанд ахлоқий ва маънавий қадриятлар қарор топса, соғлом авлодни вояга етказишда етакчи ўринни эгалласа, бундай оила остонасидан Ватан, миллат, инсон камолоти, янги соғлом авлод келажаги бошланади.

**Дилора СУЛЕЙМАНОВА,**
**Олмазор туман ФҲДЁ**
**бўлими мудираси**

# ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ

***Тошкент давлат юридик университетида "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ва университетнинг Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси билан ҳамкорликда экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини жалб этиш, экологик билимларни тарғиб қилиш масалаларига кўмаклашиш мақсадида талабалар билан учрашув ташкил этилди.***

Очиқ дарс услубида ўтган тадбирда профессор Жуманазар Холмўминов "Ер ва сувларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати" мавзуида қуйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, бугунги кунда ер ва сувларнинг умумий ҳолати, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер ва сувга бўлган ҳуқуқлари ҳақида батафсил тўхталиб, тушунчалар берди.

Учрашувда "ЭКОСАН" фонди раиси ўринбосари Комилжон Жўраев яқинда чоп этилган "Муқобил энергия – фаровон турмуш омили" ва "Соғлом турмуш тарзи – фаровон ҳаёт гарови", "Меҳр ва мурувват", "Экологик маданиятни шакллантиришда қадриятларнинг ўрни" ва "Экологик тарбия ёки атроф-муҳитга нисбатан муносабат" китобларини, академик Ш.Отабоев ва М.Мирсовуров ҳаммуаллифлигида "Эко Мулоқот" газетасида чоп этилган "Сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти" публицистик мақолани шарҳлаб ўтди.

Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчиси Баҳромжон Қанаатов ташкил этилган очиқ дарс услубининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиб, бундай тажрибани оммалаштириш зарурлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини инобатга олсак, улардан оқилона ва белгиланган мақсадларда фойдаланиш ҳар бир фойдаланувчининг мажбурияти ҳисобланади. Бугунги услубда, ташкилотчилар томонидан очиқ дарсларнинг ташкил этилиши давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилади, шунингдек фуқаролар мажбуриятларининг бажарилиши таъминланишига эришилади.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**"ЭКОСАН" халқаро жамоат**
**фонди бўлим бошлиғи**

Кўргазмалар

# БОЛАЖОНЛАР ИЖОДИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма маданият карвон саройида "Кўзмунчоқ" расмлар танлови ва кўргазмаси бўлиб ўтди.***



Ўзбекистон Бадиий академияси Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг анъанавий "Кўзмунчоқ" болалар расмлари танловида рассомлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этди.

Халқаро маданият карвон саройи директори Ф. Усмонов, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Маннан ва бошқалар мамлакатимизда баркамол авлоднинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари, замонавий билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Танлов-кўргазмасида 7-10 ёшгача бўлган иқтидорли болажонларнинг 212 та ижодий ишлари намойиш этилди.

– Бу йил бешинчи бор ўтказилаётган танлов-кўргазмада ўқув муассасамизнинг бошланғич синф ўқувчилари иштирок этмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Соми Содиқов биз билан суҳбатда. – Ўқув масканимизга ўқувчилар ҳар йили танлов асосида қабул қилинади. Болажонларимизнинг истеъдодини, қизиқишини тўғри шакллантиришда мактабимиз ўқитувчиларининг ҳиссаси беқиёс. Бу тадбир нафақат ёш иқтидорларни кашф этади, балки уларни рағбатлантириб, ижодга бўлган қизиқишини янада ошириб боради.

Танлов-кўргазмада 134 нафар иштирокчи болажонларнинг "Энг яхши мавзу", "Энг яхши ижодий иш", "Энг яхши ҳунарманд", "Энг яхши графика асари" номинациялари бўйича ижодлари муносиб баҳоланди.

– Мен бу сафар "Энг яхши мавзу" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритдим, –дейди "Тошкент қувончлари" VI халқаро болалар расмлари биенналеси иштирокчиси Шоҳжаҳон Аҳмадов. – "Бахтли болалик", "Ўйин" деб номланган суратларимни таниқли мусаввирлар муносиб баҳолаганидан жудаям хурсандман. Келажакда машҳур мусаввир бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Тадбир сўнгида барча йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар Халқаро маданият карвон саройи дипломи ҳамда мактаб-интернат томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 14 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 07.12.2016 йилдаги №1-7174/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 54-уй, 26-хонадон умумий майдони 87,75 кв.м., яшаш майдони 67,55 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонасидан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси: 107 455 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10- уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 14 июнь 2017 йилдаги аукцион савдоси учун 12 июнь 2017 йил соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 6049 3605 0001, МФО: 01101, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

*Лицензия: RR-0052.*

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Республика Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 42/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1436,4 кв.м., ҳовли ер майдони 895,48 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 540,92 кв.м. бўлган кўчмас мулк объекти такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 403 091 695 сўм.

**Аукцион савдолари 2017 йил 31 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзида топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 29 май куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулк билан Республика Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. Факс: (0371) 234-58-43. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

*Лицензия RR-0225.*

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 14 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Учтепа туман СИБ томонидан: Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 25.09.2015 йил кунидаги № 1-415/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 519-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 923,0 кв.м. қурилиш майдони 453,89 кв.м. бўлган турар жой савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 913 667 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10- уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 14 июнь кунидаги аукцион савдолари учун 2017 йил 12 июнь куни соат 16.00 гача.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 6049 3605 0001, МФО: 01101, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

*Лицензия: RR-0052.*

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси**
**Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2017 йил 14 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Сергели туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.10.2016 йилдаги №10-1508/11278-сонли ижро варақасига асосан хатланган: "Gold Trans Leasin" МЧЖга тегишли Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси 11-уй, 48-хонадонда сақланаётган: 2013 йилда и/ч, д/р 01 855 РСА бўлган "COBALT". Бошланғич баҳоси: 47 338 970 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 14 июнь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 12 июнь куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг АКБ "InFinBank" Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 2020 8000 9048 8730 5003 МФО: 01141; ИНН: 301 829 604; ОКОНХ: 19790

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86 www.agb.uz.

*Гувоҳнома 004593.*

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 29 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан хатланган, қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. 24.09.2013 йил №61552-53/8-сонли ижро иши асосида: 2009 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01H234CA "CAPTIVA-1". Бошланғич нархи 73 230 696 сўм. Автотранспорт воситаси Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, "Автомотоҳаваскор Ганга сервис" жарима майдончасида сақланмоқда.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81**

*Гувохнома 5477*

**"AUTO GOLD GRANT" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 25 май куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган такроран аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман СИБ томонидан 23.08.2016 й. № 41083-84/22-сонли ижро ҳужжатига асосан "SHAANXI SX3251DM" р-ли, юк, 2009 йилда и/ч, оқ, д/б 01 209 QAA б/б-292 040 000 сўм. М.Улуғбек тумани Т.Малик кўчаси, 3А-уйда сақланмоқда.23.08.2016 й №23518/22-сонли ижро ҳужжатига асосан "Шевролет Оптра" р-ли, енгил, 2008 йилда и/ч, оқ, д/б 01 О 995 АА, б/б-39 988 094 сўм. "Матиз" р-ли, енгил, 2006 йилда и/ч, оқ, д/б 01 Р 198 ЕА, б/б-18 335 000 сўм. Сергели т, "Сергели бозори" МЧЖда сақланмоқда. 05.12.2014 й №50783/28-сонли ижро ҳужжатига асосан "Матиз" р-ли, енгил, 2004 йилда и/ч, оқ, т/н, д/б 01 Т 597 DA б/б –15 086 000 сўм. "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖ сақланмоқда.

Сергели туман СИБ томонидан 01.03.2016 й №1-117/16-сонли ижро ҳужжатига асосан Ваз-21011 р-ли, енгил, 1975 йилда и/ч, оқ, т/н, д/б 01M956GA б/б –2 236 304 сўм. Ваз-21011 р-ли, қизил, 1978 йилда и/ч, енгил,т/н,д/б 01V082EA б/б –2 308 580 сўм. "Audi servis plus"МЧЖда сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 23 май соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

*Гувоҳнома №05791*

